RESPUBLIKA SI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 15 MAY ◆ SESHANBA ◆ № 55 (26.757)

Тошкентда 12 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси давом этди. Парламент ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси А.Тўхташев «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Бандихон тумани ҳокими Ў.Чўтбоев, Андижон вилояти «Мевасабзавот» ҳудудий бирлашмаси раиси А.Қаюмов, Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет ректори Т.Долимов қатнашди.

Ушбу масалани кўриб чиқиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикада ҳақиқий мустақил суд ҳокимияти яратилгани, суд органлари нуфузини ва масъулиятини оширишга йўналтирилган чоралар қабул қилинганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатнинг суд тизими қонунчиликка қатъий риоя қилинишини, содир қилинган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаши лозим. Жиноий жазолар тайинлашни эркинлаштириш борасида иш олиб борилаётган ҳозирги шароитда жамият учун хавфли бўлмаган ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг озодликдан маҳрум этилишига йўл қўйилмаслиги лозим. Аввало, уни етказилган моддий зарарни қоплашга мажбур қилиш, қайта тарбиялашга интилиш керак. Бу ўринда давлатимиз раҳбари қонун лойиҳасига ҳуқуқбузарлардан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарарни тўлиқ ундириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган мол-мулкни ундириш ҳақида мурожаат қилиш имконини берувчи қўшимча модда киритилиши тўғрисидаги таклифни айтди.

Депутатлар биринчи ўқишда қонун лойиҳасини маъқуллади ҳамда уни оммавий ахборот воситалари орқали умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Бу масала юзасидан «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори М.Ашуров ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам қатнашди. Давлатимиз раҳбари ушбу қонун лойиҳасининг фавқулодда муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, мамлакатимизнинг ўзида ахборот-техник воситалар ишлаб чиқаришни ва дастурий таъминотни ривожлантириш, халқ хўжалигига замонавий технологияларни жорий этиш зарурлигига эътиборни қаратди. Президент компьютер техникаси, интернет тармоғи салоҳиятидан иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шунингдек, мамлакатимиз мактаблари ва олий ўқув юртларида кенгроқ фойдаланиш зарурлигини қайд этди. Замон билан баравар қадам ташлаш, бу соҳада ривожланган мамлакатлар даражасига етишга интилиш зарур. Нафақат табиий заҳиралар, балки ақлий салоҳият ҳам катта бойлигимиздир. Шу туфайли биз илғор илмий технологияларни ривожлантиришимиз ва бу соҳада ўз мутахассисларимизни етиштиришга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Депутатлар мазкур қонунни қабул қилди.

Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаеванинг маърузаси юзасидан депутатлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритди.

Парламент Ўзбекистон Республикасининг тоғ ва металлургия саноати ходимлари кунини белгилаш тўғрисида қонун қабул қилди. Бу масала юзасидан фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраев, «Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А.Фармонов, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский, Ангрен шаҳри ҳокими И.Асадов сўзга чиқишди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев лицензия талаб этиладиган фаолият турлари рўйхати ҳақида маъруза қилди. Мазкур масала муҳокамасида «Ўзтадбиркорбанк» акционерлик тижорат банки бошқарувининг раиси С.Қамбаров, «Хоразм шакар» давлат корхонаси директори Қ.Хўжамуродов қатнашди. Парламент номи зикр этилган рўйхатни тасдиқлади.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари, Олий Мажлис Кенгаши қарорлари, қатор давлатлараро ва халқаро ҳужжатларни тасдиқлади.

Депутатлар котибият раҳбари Т.Норқуловнинг парламентга келиб тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Н.Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг қонунчилик ва суд органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари этиб тайинланиши муносабати билан парламент уни Олий Мажлиснинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси лавозимидан озод этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси У.Мингбоевнинг ваколат муддати тугаганлиги туфайли Олий Мажлис уни бу лавозимга қайта сайлади. Депутатлар Олий суд таркибига айрим ўзгартиришлар киритди. Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов таклифига кўра, парламент Олий хўжалик суди судьясини сайлади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2000 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова парламентга ўтган йилги фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Марғилон шаҳри ҳокими А.Акромов ва Халқ демократик партиясининг Қашқадарё вилояти кенгашининг биринчи котиби Ф.Омонов чиқишидан сўнг, парламент ҳисоботни тасдиқлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси якунланди.

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Истиқлолимиз — истиқболимиз» мавзуида барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб маънавий-маърифий йўналишдаги амалий семинарлар ўтказишни бошлади. Олимлар ва ижодкорлардан ташкил топган дастлабки тарғиботчилар гуруҳи Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари туман ва қишлоқларида бўлиб, меҳнаткашлар ҳузурида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларида эришган ютуқлари, ислоҳотларнинг бориши, истиқлолимизнинг залворли одимлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Куни кеча республика Маънавият ва маърифат Кенгаши тарғиботчиларининг иккинчи гуруҳи Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларига йўл олди. Улар қишлоқ жойларида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Иқтисодий ислоҳотлар — фаровонлик пойдевори», «Ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида», «Ўзбекистон — жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли фаол аъзоси», «Мустақиллик ва миллий-маънавий дунёмиздаги туб ўзгаришлар» мавзуларида суҳбат ва мулоқотлар ўтказади.

■ **Зокир АНОРБОЕВ**

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

УЛУҒЛИК МЕЗОНИ

Иброҳимжон АСҚАРОВ

Мутахассислиги — кимёгар ва ҳуқуқшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, кимё фанлари доктори, халқаро иқтисод ва бизнес академиясининг ҳуқуқ бўйича фахрий доктори, профессор. Кимё ва ҳуқуқшуносликка доир 20 дан ортиқ монография ва ўқув қўлланмалар ҳамда 150 дан ортиқ мақолалар муаллифи.

Фарғона вилояти божхона бошқармаси бошлиғи, полковник.

1991 йилнинг 25 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида», 1992 йил 10 августда эса «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонлари асосида божхона тизими ташкил топди.

Ушбу фармонлар асосида тузилган янги божхона тизими ёш Ўзбекистонни ўз бойликларига ўзи эгалик қилиши ҳамда иқтисодий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш имконини яратди.

Ўзбекистонда барча соҳалар қатори божхона тизимини замонавий фан ютуқлари асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси таркибида ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчи бўлиб божхона экспертиза лабораторияси ташкил этилди. Ушбу божхона экспертиза лабораторияси олдига мамлакатимиз иқтисодиётини фан ютуқлари асосида муҳофаза қилиш вазифаси юклатилди. Мамлакатимиздан четга экспорт қилинадиган ва Ўзбекистонга бошқа давлатлардан олиб келинадиган асосий стратегик товарларни илмий асосда экспертизадан ўтказиш йўлга қўйилди.

Пахта толаси, ўсимлик ёғи, руда концентратлари ва бошқа маҳсулотлар экспортини тўғри йўлга қўйишда ва республикамизга четдан импорт қилинган қаттиқ буғдой, дори-дармонлар, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кимёвий препаратлар, озиқ-овқат маҳсулотлари сингариларни экспорт ва импортда кимёвий таркибини назорат қилиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини илмий асосда муҳофаза қилиш билан бир неча миллиард сўмни иқтисод қилишга эришилди.

Академик Т. Рисқиев билан ҳамкорликда биз томонимиздан дунё миқёсида эътироф этилган янги фан ихтисослиги яратилди. Ушбу янги фан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида кўриб чиқилгач, Фан ва техника давлат қўмитасининг 1997 йил 15 июлдаги қарори билан янги ихтисослик «Товарларнинг кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификациялаш» деб номланди.

Мазкур янги ихтисослик Ўзбекистонда кашф этилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир давлатдан экспорт ва импорт қилинадиган товарларнинг кимёвий таркиби асосида халқаро код рақамларини белгилаш имконини яратади. Ўзбекистонда яратилган ушбу янги фан соҳасида бугунги кунда ўнлаб ривожланган давлатларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Фарғона вилояти божхона бошқармасида 1998 йилдан бошлаб, ҳар ҳафтанинг душанба куни божхона хизмати ходимлари учун маънавият, маърифат ва касб маҳорати дарслари бўлиб ўтади. Ушбу маънавият соатларида Ўзбекистон мадҳиясини шахсий таркиб жўр бўлиб куйлайди. Маънавият дарсларида адабиёт, санъат, фан арбоблари, тадбиркорлар, йирик корхона раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган фахрийлар қатнашадилар. Ҳар бир машғулотда божхона ходимининг ҳалоллиги, зарур бўлса, Ватан учун жонини ҳам аямаслиги ва юксак маънавият эгаси бўлишлиги ҳақида сўз боради.

Божхона ходимининг маънавиятини кўтаришга бағишланган машғулотлар ўзининг самарали натижаларини бермоқда. 1999 йил Қирғизистоннинг Боткен воқеалари чоғида Ўзбекистоннинг чегара ҳудудларида хизмат ўтаган бирорта божхона хизмати ходими бир дақиқа бўлсада енгилроқ, хавфсизроқ жойда хизматни ўташни сўраб, мурожаат этмаганлиги, бирор ходим ҳам бетоблиги ёки бошқа сабаб билан ишга келмаганлик ҳолати кузатилмаганлиги ходимларнинг ўз вазифасига фидойилигидан далолат беради.

Шунингдек, бошқармамиз ходимлари «Келажак ёшлар қўлида» шиори остида Фарғона вилоятидаги бир қатор ўрта мактабларни оталиққа олганлар. Фарғона шаҳридаги 5- ва 26-, Марғилон шаҳридаги 29-, Фарғона туманидаги 3-, Қувасой шаҳридаги 15-, 27-, Риштон туманидаги 1-, Қува туманидаги 18-, Олтиариқ туманидаги 8-мактабларда таълим олаётган ёшларга божхона ҳуқуқи ва маънавият билимлари бўйича сабоқлар берилиб, имконият даражасида моддий жиҳатдан ёрдамлашилмоқда. Ушбу тадбирлар мактаб ўқувчилари орасидан бўлғуси божхона хизмати ходимлари етишиб чиқишида ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Божхонада хизмат вазифасини адо этаётганда ҳалок бўлган ҳамкасбларимизнинг 17 нафар балоғатга етмаган фарзандларини божхона бошқармасининг шахсий таркиби ўз оталиғига олган. Уларнинг ҳар бири номига балоғат ёшига етгунга қадар ҳар ойда икки минг сўмдан пул маблағи ўтказиб бориш учун жойлардаги банкларда омонат дафтарчалари очилган. Отасиз қолган фарзанд 18 ёшга тўлганда ярим миллион сўм атрофида жамғармага эга бўлади.

Фарғона вилояти божхона бошқармасида 1997 йилнинг биринчи чорагида ҳар бир божхона ходимининг давлатга келтирган фойдаси 195 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2001 йилнинг шу даврида ҳар бир божхона ходимининг давлатга келтирган соф фойдаси 2 миллион 849 минг сўмни ташкил этди. Бу рақамлар божхона хизмати ходимларининг маънавияти ўсишининг рақамлардаги ифодаси десам бўлади.

Ўтган йили Америка Қўшма Штатларининг Мудофаа вазирлигидан Ўзбекистонга ташриф буюрган нуфузли делегация вакиллари Фарғона вилояти божхона бошқармасида бўлиб, божхона хизмати ходимлари ишларига юқори баҳо берган эдилар.

Бизда 1999 йили Ўқув маркази ташкил этилган эди. Бугунги кунда ушбу ўқув маркази мамлакатимизда ягона бўлиб, унда республикамизнинг барча вилоятларидаги янги ишга қабул қилинган божхона хизмати ходимлари беш ойлик дастлабки тайёргарлик машғулотларини ўтайдилар. Ушбу машғулотларда жисмоний тайёргарлик оддий ўқотар қуролларидан фойдаланишдан тортиб, давлат иқтисодиётини илмий асосда муҳофаза қилишгача бўлган бир қатор соҳалар мукаммал ўргатилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, божхона хизмати ходимининг Ўзбекистонга, Президентимизга, халқимизга фидойилигини кун сайин ошириш, маънавияти мунтазам юксалиб бориши барча соҳаларда ўзининг самарали натижаларини бермоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — РИЗҚИ БУТУН ЮРТ

■ Владимир ПАНОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 15 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	183,73
1 Австрия шиллинги	22,42
1 Англия фунт стерлинги	498,61
10 Бельгия франки	76,46
1 Голландия гульдени	139,96
10 Греция драхмаси	9,06
1 Дания кронаси	41,37
1 БАА дирхами	95,79
1 АҚШ доллари	351,78
1 Миср фунти	90,61
10 Испания песети	18,54
100 Италия лираси	15,93
1 Канада доллари	227,98
1 Хитой юани	42,50
10 Люксембург франки	76,46
1 Малайзия рингити	92,58
1 Германия маркаси	157,70
1 Польша злотийси	88,35
1 СДР	443,74
1000 Туркия лираси	0,31
1 Финляндия маркаси	51,88
1 Франция франки	47,02
1 Швейцария франки	201,05
1 ЕВРО	308,44
10 Жанубий Корея вони	2,71
10 Япония иенаси	28,74
1 Россия рубли	12,15
1 Украина гривнаси	64,97

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ОЧИҚ ГАПЛАР

СИНДИРИШ ёки

ўтган йили «Илҳомбек» фермер хўжалиги пахта тайёрлаш режасини нега бажара олмагани хусусида

Таҳририятимизга Юқоричирчиқ туманида 1996 йилдан фаолият юритиб келаётган «Илҳомбек» фермер хўжалиги раҳбари Акром Зикрияевдан келган шикоят хатида шундай жумлаларни ўқийсиз: «Фермер хўжалигимизга 102 гектар ер бириктирилган. Дастлабки йили барча майдонларга пахта экиб туманда учинчи бўлиб, 1997, 1998, 1999 йилларда ҳам 45-50 гектардан пахта экиб, туманда биринчи ўринда шартнома режаларини уддалагандик.

Шу йиллар давомида фермер хўжалигимизга 2 та «МТЗ-80», 1 та «Т-40», «К-700-1А» тракторлари ва «КамАЗ» машинасини, 3 та прицеп, буғдой экиш сеялкасини, пахта чопиқ агрегатини, етти корпусли плуг сотиб олдик. 2000 йилда 45 гектарга пахта, 40 гектарга буғдой, 10 гектарга шоли, 7 гектар ерга сабзавот экинлари экдик. Буғдой бўйича шартномавий режани 101 фоиз бажарган бўлсак, пахтани ишчи кучи етарли бўлмаганлиги сабабли вақтида териб топшира олмадик. Ҳосил икки ярим ой терилмасдан ётди. Натижада қор-ёмғир остида қолиб, 4-5 навларга тушиб қолди.

Тошкент вилоят прокуратураси ҳамда «Инсон ва қонун» кўрсатувининг журналисти аралашгандан сўнг, аввалига «эккан бўлсанг — териб ол» деб жавоб қайтарган туман ҳокими 1 ноябрда теримчилардан «ёрдам» берди. Шунча йил туманда биринчи бўлиб бажариб келган фермер хўжалигимиз режаси 57 фоизда қолиб кетди».

Ушбу шикоят юзасидан «Илҳомбек» фермер хўжалиги аъзолари билан суҳбатлашдик. Аъзолар кўп эмас экан. Атиги 4 киши тўрт йилдан буён ушбу 102 гектарлик фермер хўжалигини тебратишар экан. Бир қаришда уларни америкалик фермерларга ўхшатасиз. Уларнинг ҳар бири деҳқончиликнинг ҳисоб-китобидан тортиб техникасию агрономия сирларини билишади.

— Ўтган йили «К-700-1А» русумли тракторимиз билан ерни чуқур шудгор қилган эдик, ҳозирда иккинчи ишлов берилаётган ғўзаларимизда биронта ёввойи ўтларни кўрмайсиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Акром Зикрияев. — Буғдойимиз бошоққа кирди. Худо хоҳласа, мўлжалдагидан ҳам мўл ҳосил олмоқчимиз.

Фақат бизни ишлашга тинч қўйишса бўлди. Бу йил ҳам давлатдан ҳеч қандай маблағ олмасдан пахта, шоли, буғдой экдик. Масалан, ўтган йиллардан орттирган чигитимиз бор эди. Шуни ҳам қаердан олдинг, деб суриштиришди. Ахир хусусий бўлганингдан сўнг, тежайсан, исрофгарчиликка йўл қўймайсан-да. Улар эса шунинг учун ҳам ҳар хил текширув ташкил этмоқчи бўлишди.

Пахта заводи, дон қабул қилиш корхонаси билан шартнома тузилган. Лекин 30 апрелгача ҳам, давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган маҳсулотларни молиялаштириш мақсадида йўналтирилган транш маблағларидан бир сўм ҳам олганимиз йўқ.

Жамоа аъзолари билан гаплашдик. Бош ҳисобчи Елина Пяк маълумотномани қўлимга тутқазади. Унда «Илҳомбек» фермер хўжалиги техникаси шу йилнинг ўзидаёқ ўзидан ортиб туманнинг «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг 80 гектар ерини шудгор қилиб берганини, Ўртачирчиқ туманидаги «Гулистон» хўжалигининг 150 гектар ерини уруғ экишга тайёрлаганлиги қайд этилган. Тўғриси, ўшандан сўнг ўйланиб қолдим. Ҳали ташкил этилганига уч-тўрт йил бўлган бу фермер хўжалиги каттакатта хўжалик — қўшниларига ҳам ёрдам қўлини чўза бошлабди-я! Шу кезда ҳозиргина хўжалик саркори «бизни ишлашга тинч қўйишса бўлди» деган сўзлари хаёлимдан ўтди. Бундан ташқари уч-тўрт йилда фермер хўжалиги ўзига мўъжазгина бошқарув идораси биноларини қуриб битказганлиги, унга шаҳардан телефон олиб келиб ўрнатганлигини ҳисобга олсак...

— Туманимиз ҳокими Алишер Гаффоров фермер хўжалигимиз ерлари олиб қўйилишини айтган, — дейди Акром Зикрияев куюниб. — Бу ҳақда қарордан кўчирмада шоли ҳосили топширмаган деган важ-карсон рўкач қилинади. Ахир шоли тайёрлов идорасига топширилганлиги ҳақида ҳужжатлар бор. Бунга туман фермерлар уюшмаси раиси Ислом Мирзаев ҳам гувоҳ. Ваҳоланки, ҳокимимиз бир йилда бир марта келиб «қандай ишлаяпсизлар?», деса кўнглимиз тоғдай кўтарилади-ку?!

Инсон бир оғиз ширин сўзнинг гадоси. Буни раҳбарлар яхши англаши лозим.

Ўтган йили «Илҳомбек» фермер хўжалиги далаларида пахта ҳосили 10 августдаёқ пишиб етилган. Фермерлар саркори ҳокимликдан ёрдам сўраган. Рад жавоби олган. Туман пахта далаларида ҳашарчилар теришга пахта излаб юрган кезларда фермер хўжалиги даласи биринчи теримда турган. Оқибатда пахтазор қор ва ёмғир остида қолган.

Ҳосилнинг баракаси учган. Буни ҳужжатлар тасдиқлаб турибди. Туманда шу йилнинг ўзида 51 та фермер хўжалигини тугатиш учун ҳоким қарор чиқарган. Уларнинг иш фаолияти қандайлигини билмадиг-у, лекин туппа-тузук фаолият юритиб келган «Илҳомбек» фермер хўжалигига нисбатан қилинаётган ҳаракатлар адолатсизликка ўхшайди. Акс ҳолда шу кунгача амалдаги йил ҳисобидан техникага на ёнилғи, ерга на ўғит ажратилган. Имкон топиб ишлашяпти. Ўғит ўрнига товуқ гўнгини ишлатишаяпти...

1999 йили 2 миллион 682 минг сўм фойда олган бўлсак, ўтган йили 2 миллион 880 минг сўм қарз бўлиб қолдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари ер чизиб. — Буларнинг барчаси суньий равишда уюштирилди. Бошқача айтганда атайин «синдириш»ди... Озгина ёрдам, мадад бўлганда эди, бу ҳолга тушмаган бўлардик.

Деҳқон Акром Зикрияев интиляпти. Юрт юксалишига озгина бўлса-да ҳисса қўшай деб куйиняпти. Юқоричирчиқ тумани ҳокимлиги эса бунга негадир бепарво...

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

БЕКАНИНГ ЭҲТИЁТСИЗЛИГИ

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан хавф бартараф этилди. Чилонзор тумани, 8-мавзе, 26-уй, 22-хонадонда яшовчи Х. Умарова соат 20.00 да овқат қилмоқчи бўлиб газни ёқади ва ҳамма нарсани тайёрлаб, қарасаки, туз йўқ. Эшикни очиқ қолдириб, қўшсиникига чиқади. Шу пайт шамол эсиб, эшик ёпилиб қолади. Эшик темир бўлгани учун очиш қийин кечади. Кутилмаганда ичкарида ёнғин пайдо бўлади. Калитсиз қолган аёл нима қиларини билмай Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасига хабар беради ва бошқарманинг қутқарувчи ходимлари воқеа жойига етиб боради. Қутқарувчилар ёнғинни бартараф этиш учун маҳоратларини ишга солишади ва деразадан киришга муваффақ бўлишади. Ичкарига киришганда аланга кучайиб бормоқда эди. Қутқарувчилар зудлик билан ёнғиннни ўчиришди. Х. Умарова эса Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасига ва қутқарувчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

■ Хушнуд САЙФИДДИНОВ

МИЛЛИЙ ДАСТУР АМАЛДА

ДАРСЛИКЛАР МУКАММАЛЛИГИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Узлуксиз таълим тизими босқичларида фанларнинг ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланиши муаммолари ҳақида

Ўзбекистон мустақил демократик давлат сифатида ривожланиш йўлини танлагандан сўнг, дастлабки йилларданоқ юксак маданият ва маънавиятимизга таянган ҳолда таълим ва тарбия соҳасида жаҳон андозаларига чиқиш вазифаси қўйилди. Бу вазифалар Юртбошимизнинг ташаббуслари ва бевосита раҳбарлиги остида босқичма-босқич, ислоҳотлар йўли билан амалга оширилмоқда.

Бу борадаги дастлабки муҳим қадамлар Олий Мажлис томонидан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг қабул қилиниши ҳамда шу асосда республика Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши бўлди.

Фармонда кўрсатилгандек, кадрлар тайёрлашда ҳал қилувчи масала узлуксиз таълим тизимидаги барча ўқув юртларини ўқув адабиётлари билан таъминлашдир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан халос бўлмасдан туриб, болаларимизни янгича фикрлашга ўргата олмаймиз», «дарсликларда миллат фикри, тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак».

Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичида бажарилиши кўзда тутилган вазифаларнинг аксарияти ҳал қилиниш арафасида. Масалан, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари учун давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва амалда қўлланилмоқда, олий таълим асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланмоқда.

Ҳозирги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида кўрсатилган асосий вазифалардан бири, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида амалда бўлган дастурларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Бу борада Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартларидаги қолган блоклар фанлари бўйича барча олий ўқув юртлари ўз илмий-педагогик ходимлари кучи билан маъруза матнлари тайёрламоқдалар. Университетимизда илмий-педагогик имкониятдан самарали фойдаланган ҳолда, 27 бакалавриат йўналишлари ҳамда 34 магистрлик мутахассисликлари ўқув режаларида мавжуд фанларнинг аксарият қисмидан маъруза матнлари тайёрланди. Маъруза матнларини нашрдан чиқариш, марказлашган ҳолда уларнинг нусхаларини кўпайтириш йўлга қўйилди. Шуни мамнуният билан қайд қилиш керакки, университет нашр-матбаа марказида нашр қилинган ўқув қўлланмалари, маъруза матнларидан фақат университетда ўқиётган талабаларгина эмас, балки минтақадаги кўплаб олий ўқув юртлари, жумладан, Гулистон давлат университети, Термиз давлат университети, Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Навоий кончилик институти ва бошқалар кенг фойдаланмоқда.

Маълумки, фақат маърузалар матни билан талабаларнинг билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондириб бўлмайди, чунки Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури талабларига мос равишда яратилган ва олий ўқув юртларида амалда қўлланилаётган давлат таълим стандартлари (ДТС) ҳамда ўқув режаларида талабаларнинг маърузалар эшитиши, амалий машғулотлар, семинарларда билим олиши билан бир қаторда мустақил билим олишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

ДТС ўқув режаларида асосий ғоя талабани фақат ўқитиш эмас, уни ўқишга ўргатиш, фақат билим бериш эмас, билим олишга ўргатиш бўлиб, бу талабани кўпроқ мустақил равишда билимларни эгаллашга йўналтиради.

Бизнинг фикримизга кўра, талабаларнинг замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар бўлиб етишишида фанлар бўйича ўқув адабиётлари мажмуаси (модули) қуйидаги қисмлардан таркиб топмоғи лозим:

I. Маърузалар матни, ўқув қўлланмаси, дарслик.

II. Амалий машғулотлар, лаборатория ишларини бажариш, семинар машғулотлари учун услубий кўрсатмалар ва ишланмалар.

III. Мустақил билим олишга ажратилган мавзулар бўйича маърузаларнинг тезислари ҳамда услубий кўрсатмалар.

Ўқув режасида кўрсатилган барча фанлар бўйича мажмуа (модул) яратиш — ҳар бир кафедрада амалга оширилиши лозим бўлган ижодий ишдир. Ўз навбатида бу ишнинг натижалари пировард мақсад — етук мутахассис кадрлар тайёрлашда белгиловчи омил бўлган тегишли кафедранинг илмий-педагогик салоҳиятини аниқлаб берувчи холисона кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Бу масъулиятли вазифани тўлақонли амалга ошириш учун бизнингча, қуйидаги омилларга таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фанлар бўйича муқобил ўқув адабиётлари мажмуаси (модул) яратишда республикамиз етакчи олий ўқув юртларининг юксак салоҳиятли олимларини бирлаштирган ижодий гуруҳлар ташкил этиш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу ишнинг бошланишида вазирлик томонидан белгиланган таянч олий ўқув юртлари ташаббус билан чиқишлари катта аҳамият касб этади. Улар ўзлари таянч бўлган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича республикамизнинг юксак салоҳиятли олимларини ижодий гуруҳларга таклиф этишлари ва ижодий гуруҳлар ишини мувофиқлаштириш, гуруҳлар иши натижалари бўйича муҳокамалар, мунозаралар ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

Республика Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан бу соҳада ишлайдиган ижодий гуруҳлар меҳнатини рағбатлантирувчи грантлар ажратилиши лозим.

Ижодий гуруҳлар меҳнати натижасида яратилган ўқув адабиётларини нашрдан чиқариш ишларини йўлга қўйиш, мувофиқлаштирувчи Кенгаш тавсиясидан ўтган қўлёзмаларнинг қисқа муддатда, марказлашган ҳолда нашр эттирилишини доимий назорат остига олиш, нашрдан чиққан ўқув адабиётларининг қисқа муддатда ўқувчилар ва талабаларга етиб боришини таъминлаш муҳимдир.

Ҳозирги вақтда таълимнинг сиртқи шакли ва «иккинчи мутахассислик» бўйича таълимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларда ўқийдиган талабалар учун мўлжалланган ўқув адабиётлари яратишга эътиборни кучайтириш лозим.

Узлуксиз таълим тизимининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими босқичининг тамомила янги мазмун касб этганлигини ҳисобга олган ҳолда, босқичнинг барча йўналишларида муқобил ўқув адабиётлари мажмуасини яратиш тизимини йўлга қўйиш зарур.

■ **Шавкат МАҲМАТМУРОДОВ, Самарқанд давлат университети ўқув ишлари проректори, Исмоил ИСРОИЛОВ, доцент**

ТУҲФА

Пайариқ туман Халқобод ширкатлар хўжалигининг «Довтепа» қишлоғида ҳашар йўли билан қад рўстлаётган қишлоқ врачлик пункти қуриб битказилиш арафасида.

Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Бахтиёр Эргашевнинг ташаббуси билан қурилаётган ушбу тиббиёт маскани фойдаланишга топширилгач, бу ерда аҳолини намунали тиббий кўрикдан ўтказиш, замонавий техник жиҳозлар ёрдамида ташҳис қўйиш, беморларни кундузги даволаш ишлари йўлга қўйилади. Бундан ташқари, 15-20 нафар киши иш билан таъминланади.

«Довтепа» қишлоғи аҳолиси илгари арзимаган тиббий хизмат учун ҳам 18-20 километр йўл босиб, туман марказига боришга мажбур бўлишарди. Эндиликда мазкур тиббиёт маскани нафақат довтепаликларга, балки қўшни қишлоқлар аҳолиси учун ҳам айни муддао.

■ Ҳалима МУҲАМЕДОВА

«Қашқадарёмармар» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти 1999 йилда Италиянинг «Тема фругом» фирмаси ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган. Бу ерда барча ишлар юқори технологиялар асосида олиб борилмоқда. Шу сабабли тайёр маҳсулотларнинг экспорт даражаси йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Суратларда: 1. Ишчи Абдуғаффор Ярматов. 2. Тайёр маҳсулот. 3. Мармар кесиш цехи бошлиғи Бахтиёр Раҳматов ишчиларга янги ускуналарни ишлатиш борасида тавсия бермоқда.

■ Абдурасул ПАРДА олган суратлар

МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ: ЙЎЛОВЧИЛАР ҲУҚУҚИНИ КИМ КАФОЛАТЛАЙДИ?

Баъзан ҳаётимизда гувоҳ бўлиб турадиган муаммолар борки, биз уларга охир-оқибат шундай такрорийлиги туфайлигина кўника бошлаймиз. Жамоат транспорти хизмати айнан шундай муаммолардан десак янглишмаймиз. Бунга, айниқса, жамоат транспорти воситаларида ишга қатнайдиган ҳар бир фуқаро амин бўлса керак. Тўғри, баъзан сал асабийроқ йўловчилар ҳайдовчилар билан айтишиб олиши мумкин. Ачинарлиси эса бу ҳам кўникма ҳолатига кирмоқда. Қолаверса, ҳайдовчиларнинг анъанавий жавоблари олдида нима дейишни билмай қоласан: «Шошилаётган бўлсангиз таксида кетинг, бу автобус», «Менда ҳам план бор, автобус тўлгандан кейин юраман» ва ҳоказо.

Биз жамоат транспорти хизматини мутлақо қораламоқчи эмасмиз. Сўнгги йилларда пойтахт кўчаларида бир қатор замонавий транспорт воситалари пайдо бўлдики, бу шубҳасиз фуқароларимизнинг оғирларини енгиллаштирди. Бироқ фаровонлик сари интилаётган мамлакатда даврий ютуқлар билан чегараланиб қолиш мақсад учун хизмат қилмайди. Илгарилаётган вақт мукаммал ривожланишни талаб этади.

Хуллас, транспорт хизматининг оқсаётгани кўпроқ нималарда кўринади? Аввало, эрталабки қатнов хусусида: уйдан ишчан кайфиятда чиққан йўловчилар бу муаммони сезиларсиз ўтказиб юборишлари мумкиндир. Аммо транспортда туртиниб-суртиниб, елиб-югуриб йўқотилган қувватни аслида, меҳнат фаолиятига сингдирилганда мақсадга мувофиқ бўлмасмиди? Баъзан ҳайдовчиларнинг кичиккина бекатларда тўхташни лозим топмасликларини айтмаса ҳам бўлаверади. Тўғри, уларни ҳам тушуниш керак, ахир автобус резина эмас,тиқилган сайин кенгаяверса.

Транспортнинг бўшроқ келишини кутиб иззатини сақлаб турган йўловчиларга ҳам ҳавас қилиб бўлмайди. Соат тўққиздан ўтгач, босиб «юк» ортиб ўрганган ҳайдовчилар йўловчи кутиб, вақтида юришни исташмайди. Албатта, бирор гавжумроқ бекатда танаффус қилинади. «Шошилаётган бўлсангиз, марҳамат, тушинг! Таксида кетаверишингиз мумкин. Ҳайдовчида план бор. Тўлдирилиши лозим!»

Аммо, ҳайдовчиларимизнинг профессионаллигини тан олиш керак. Йўналиши бир хил бўлган, тақдир тақозоси билан бекатда учрашиб қолган икки автобуснинг пойгасини кузатганмисиз? Ҳақиқий профессионалларга хос пойга. Фақат ҳаётингни 40 сўм пул эвазига хавф остига қўяётганингга бироз ачинасан, холос.

Хуллас, ҳеч бўлмаганда эрталабки қатнов ҳаракатини назорат қилишлари мумкин. Ҳеч бўлмаганда ўз ҳуқуқлари ким томонидан бузилаётганига гувоҳ бўлишади. Шунингдек, бу эълонда маълум бир транспорт воситасининг меъёрий йўловчи олиш миқдори ҳам кўрсатилиши шарт. Шунда лозим бўлса, қўшимча транспорт ташкил қилинади. Бу масалага ДАН ходимларининг ҳам эътиборини тортиш зарур. Улар нафақат енгил машиналарни, шунингдек, жамоат транспорти воситаларининг ҳам қатновини, тўхташ ва жўнаш меъёрини назорат қилсинлар. Бу борада, айниқса, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида яшовчи ва фақаттина ойлик чипталари билан юрадиган талабаларнинг шикоятлари кўп. Уларнинг бекати кўпроқ четлаб ўтилади. Ойлик йўл чиптаси билан юрувчи йўловчиларни ташишдан ҳайдовчига фойда кам бўлса керак-да.

Мустақиллик майдони бекатидан жўнайдиган 115-ва 19-йўналишдаги автобуслар ҳаракатини кузатиш бугун жамоат транспорти қандай ишлаётганига мисол бўла олади. Бу қатновда ҳеч қандай қонунга ёки ташкилот кўрсатмасига риоя қилинмайди. Фақат навбатдаги ҳайдовчининг қистови билангина йўналишдаги автобус юриши мумкин. Буларда вақт ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Автобус йўловчилар билан тўлмас экан, қимирламайди. Айниқса, ишдан сўнг уйга қайтиш, талабки ва кечки пайтларда транспортлар қатновини кўпайтириш ва буни кескин назорат остига олиш лозим деб ўйлаймиз.

Кечки қатновларга хос психологик жиҳатдан ҳам ғоят оғир бўлган бир ҳолатга алоҳида тўхталишни истардим. Ишдан ҳориб қайтаётган, тезроқ уйга етиб олиш истагидаги йўловчилар автобус 10-20 дақиқадан кўпроқ турса, одамлар тўлган тақдирда ҳам юравермаса жуда тез асабийлаша бошлашади. Йўловчи тақдири фақат ҳайдовчидан тақозо этишини ҳис этиш, ҳайдовчининг бемалол тамаки тутатиб, йўловчиларни чамалаётганини кузатиш оғир. Фуқаролик ҳуқуқинг бузилаётгандай сезасан ўзингни. Умуман, йўловчилар ҳуқуқини ким кафолатлайди?

Шундай пайтда йўловчиларнинг талаб-истакларини инобатга оладиган назорат ходими бўлиши шарт. Диспетчерларга берилган ваколатнинг ҳайдовчиларга ҳеч қандай таъсири йўқ. Автобусларнинг тўхташ ва жўнаш вақтлари нозимхоналарда аниқ кўринарли қилиб, эълон тариқасида ёзиб қўйилиши керак. Шунда йўловчиларнинг ўзи асосий транспорт воситаси бўлмиш 31-йўналиш автобусининг ишида тайин йўқ. Одамлар, айниқса, кексалар ҳатто соатлаб автобус кутиб қолишади, — дейишади шу даҳанинг 3,4,5-уйларида истиқомат қилувчи онахонлар.

Хулоса шуки, мутасадди ташкилот фуқаролар эҳтиёжини кўпроқ ўрганиши ва уларнинг моддий, маънавий ҳуқуқларини суиистеъмол қилмаслиги керак.

Умуман, ҳайдовчи ва йўловчи ўртасидаги муомала маданияти ҳавас қиларли эмас. Бу хусусда мутасадди ташкилот тарбиявий иш соатини жорий қилса ёмон бўлмасди.

Юқоридаги ҳолатлар қачон, қайси йўналишда, қанақа рақамли автобусда ёки қайси ҳайдовчи томонидан содир этилганлигини аниқ кўрсатишни лозим топмадик. Бу муаммолар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Мақсад айнан жамоат транспорти ҳаракатини танқид остига олиш ҳам эмас. Балки бу борадаги муаммоларни кўрсатиш ва шу орқали транспорт хизматини такомиллаштиришда фуқаролар эҳтиёжини кўрсатиб беришдир.

Тўғри, ҳар қандай ҳуқуқ бузилиши судда ҳимоя қилинади. Лекин, барча ҳуқуқи бузилган йўловчилар судга мурожаат қиладиган бўлишса, бундай арзномалар минглаб тўпланишини ҳам тасаввур этиш қийин эмас. Қолаверса, бундай муаммолар билан судга мурожаат қилиш бизда урф ҳам эмас. Энг мақбули эса ташкилот хизмат сифатини яхшилашдир.

■ Малик МАНСУР, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳаракатланувчи 76-, 28-, 87- автобуслар, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари фойдаланувчи 20-, 35-, 116-автобуслар талабалар гавжум бекатларни ҳеч иккиланмай ҳатлаб ўтмоқда. Айниқса, эрталаб дарсга шошаётган талабанинг тўхтамай ўтиб кетаётган автобусларга жовдираб қараб қолишларини кўрсангиз эди. Домлаларнинг аччиқ дашномларию ҳайдовчиларнинг бу «қилиқ»лари талабаларни ночор аҳволга солиб қўяяпти.

9-, 12-, 4- ва бошқа трамвайлар метро бекатлари ёнида ярим соатлаб туриб қолмоқда. Ишдан ҳориб қайтаётган одамларнинг бундай ҳолатга қарши муносабатига ҳайдовчиларнинг бефарқ туришларидан билса бўладики, улар ўз бурчларини унутиб қўйишган. Жадвалга (агар у бор бўлса) риоя этиш йўқ. Беруний, Буюк ипак йўли ҳамда Ҳамза метро бекатлари ёнида трамвайларнинг туриб қолишини ҳар куни кузатса бўлади.

Шу ўринда яна бир кичик муаммо. Мана кунлар исиб кетди. Бундай иссиқ ҳавода автобус, трамвай ва троллейбусларнинг ичи ҳаммомга айланади. Бу каби жамоат транспортларига совутгич аппаратлари ўрнатилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Шу фурсатда бир нарсага аниқлик киритиш лозим: «Тошшаҳарйўловчитранс» раҳбари муовини Раҳмонбек Усмоновнинг изоҳлашича, «Мерседес» русумли автобусларда йўловчи ортиш меъёри 107 кишидан иборат. Ҳозир эса 130-140 кишигача етмоқда. Бу расмий маълумот.

Норасмий мулоҳаза эса шундай: бизда автобусларга йўловчи сиққанича ортилади. Автобус турининг мутлақо аҳамияти йўқ. Муовин буни эски автобусларнинг йўналишдан олиб ташлангани билан изоҳлайди. Ваҳоланки, 19-йўналиш бўйича қатнайдиган автобусларнинг салонидаги аҳвол ва умуман ҳаракатланишини кузатсак ҳеч қанақа янгиликка гувоҳ бўлмаймиз.

Қолаверса, меъёр 107 киши билан белгиланган экан, бу шунча киши ортилиши зарур дегани эмас, шунчаки юк миқдори ҳақида эслатма бўлса керак. Шунингдек, ортиқча юк билан ишлаётган автобуслар муддати тугамасдан ишдан чиқиб қолиши ҳақида мулоҳаза қилиш зарар қилмасди. Бугун бир сўм иқтисод қиламан деб эртага 10 сўм зарар кўришнинг ҳожати бормикан?!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

ЗАРТОМИР

УНИ ҚЎШРАБОТЛИК КОНЧИЛАР МАМЛАКАТИМИЗ ХАЗИНАСИНИ БОЙИТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛДИРИШМОҚДА

Мамлакатимизда шундай туманлар борки, улар кўп ҳам тилга олинавермайди, шу боис номини биров билиб, биров билмайди. Самарқанд вилоятидаги Қўшработ тумани шулардан бири. Тоғ ва тоғ олди минтақасида жойлашган бу ҳудудда пахта экилмайди, ғалла эса лалмикор — қатор йиллардан буён рўй бераётган қурғоқчилик соҳани чарчатиб қўйди. Чорвачилик ҳам аранг нафас олаяпти, чунки унинг ривожи озуқага боғлиқ... Хуллас тумандаги аҳвол жиддий таҳлилни, кескин қарорлар қабул қилинишини тақозо этиб турибди.

Лекин туманнинг кўзга кўринмайдиган бошқа улкан бойликлари бор. Қўшработликлар бу билан ҳақли равишда фахрланадилар.

— Туманимиз чўпонлар юрти, — дейди қўшработлик шифокор Тўйчи Турдибеков, — аммо бу элдан қанча зиёли, олимлар етишиб чиққанини биласизми? — менга маъноли тикилади ва бироз сукутдан сўнг саволига ўзи жавоб беради.

— Минг нафардан зиёд фан номзоди, юздан зиёд фан доктори ва бир неча академик етишиб чиққан.

Кейин ўзи таниганларининг исм-шарифларини айтиб бирма-бир санашга тушади. Афсуски, уларни бир лаҳзада санаб чиқиш қийин. Саноқни тўхтатади-да бошқа бир далилни қўшимча қилади.

— Давлат тест маркази берган ахборотга кўра, бултур олий ўқув юртларига ўқишга кирган талабалар сони жиҳатидан туманимиз мамлакат бўйича олдинги ўринларда турар экан.

Ҳа, бундай маънавий бойлик билан ҳар қанча фахрланилса арзийди. Чунки ота-боболаримиз: «Билагида кучи бор — бирни, билими бор — мингни енгади» деб бежиз айтмаган-да.

Иккинчи бойлик — бу табиий заҳиралар. Олимларнинг далолат беришича, Нурота тоғ тизмаларида Менделеев даврий жадвалидаги барча металлар бор экан. Айниқса, қимматбаҳо металл — олтин бисёр. Ҳозир бу ердаги Зармитан олтин конини, унинг имкониятларини америкалик ишбилармонлар, австралиялик тадбиркорлар, немислар, японлар, олтин қазиб олиш соҳасида етакчи мамлакатларнинг мутахассислари яхши биладилар. Яқинда ҳатто Жанубий Африкадан мутахассислар келишиб, ўрганишди. Чет элликлар қуруқ томошага келишмайдилар. Улар манфаатни ҳамма нарсадан устун қўядилар, бинобарин барча саъй-ҳаракатларини шунга бўйсундирадилар. Меҳмонлар Зармитанда қўшма корхона қуриш имкониятлари билан қизиқишяптилар. Дарвоқе, бу борада бир неча таклифлар ва лойиҳалар ҳам мавжуд. Лекин уларни пухта ўрганиш лозим. Бизнинг доно боболаримиз ҳар доим «Етти ўлчаб бир кес» деган нақлга амал қилганлар.

— Зармитан олтин конининг бошқалардан фарқ қилувчи бир қанча хусусиятлари, афзалликлари бор, — дейди кон раҳбари, истеъдодли геолог Нормурод Нуралиев бизни очиқ каръерлар ва шахталар билан таништираётган пайтда. — Биринчидан, бу ерда заҳира мавжуд, иккинчидан, ихчам жойлашган, учинчидан, олтин маъданлари томир шаклида ўрнашган. Биз уларни тиллатомир ёки зартомирлар, деб атаймиз. Тўртинчидан, кондаги тоғ жинслари қаттиқ. Бу хусусиятлар маъдан қазиб олишни осонлаштиради ва таннархини арзонлаштиради. Булардан ташқари коннинг қулай географик жойлашуви, ишчи кучларининг етарлича эканлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги икки-уч йил мобайнида Зармитан олтин қазиб олиш конида иқтисодий ислоҳотлар ўзининг самарали натижаларини бера бошлади. Маъдан қазиб олиш ҳажми ошди, барча соҳалар бўйича белгиланган кўрсаткичлар ошириб бажарилмоқда. Фойда олиш кўпайди. Жумладан, 2000 йил 70 миллион сўм соф фойда олинган бўлса, шу йилнинг дастлабки чорагида 31 миллион сўм соф фойда олишга эришилганини айтиш кифоя. Бу эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги кон техникаси сотиб олиш, иш ҳақини ошириш имкониятини яратмоқда.

Кончилар билан гурунгда совет тузумидан қолган асоратларни бартараф этиш йўлидаги машаққатли, оғир йиллар ҳам эсга олинди: ўша кезларда ҳар йили 80-100 млн. сўм зарар билан чиқилган, ярим йилгача иш ҳақи олинмаган пайтлар бўлган экан. Туну кун тилла қазиб олсангу қўлинг пул кўрмаса? Бу қандай мантиққа тўғри келади? Бундай пайтда тоғдай бардош ҳам нураб кетиши мумкин. Лекин жамоа қийинчиликларга ўзбекона бағрикенглик билан чидади. Уларда яхши кунлар келишига ишонч бор эди. Ҳозир иш режаларини ошириб бажараётган лаҳмчилар, бурғуловчилар ҳар ойда 100 минг сўмгача маош олишяпти. Анвар Болбеков, Шуҳрат Хўжанов, Камол Тошматов, Пардабой Мингбоев, Ўроқбой Ўринов, Нурилла Исломов, Боймат Улуғов, Ўринбой Кўбаев, Холмурод Жиянбеков сингари илғорлар шижоатига барча таҳсин айтмоқда.

Ҳар қандай кон тартиб-интизомни, режали ишни ёқтиради. Бир лаҳзалик муваффақият ортидан қувиб, палапартиш ишлаш кейинчалик тузатиб бўлмайдиган асоратларни юзага келтириши мумкин. Масалан, бу ерда дастлаб маъданни очиқ тарзда қазиб олиш усули қўлланилган эди. Афсуски бундай усул ўзини оқламади. Каръерлардан жуда катта ҳажмда тоғ жинсларини ташиб чиқиш ўта қимматга тушди, атроф-муҳит ифлосланди. Ҳозир кон муҳандис-техник ходимларининг саъй-ҳаракати билан маъданни ер остида қаватли қазиш усули жорий этилмоқда. Бу илғор усул кончилик саноати ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади. Бироқ бизда шу кезгача ҳеч ким унга жазм этмаётган эди. Зармитанликлар бу борада биринчи бўлишди. Илғор усулнинг моҳиятини кон бош муҳандиси Ўроз Маҳмудов шундай ифодалади.

— Бу, аввало, кам меҳнат сарфлаб, кўп натижа олиш демакдир. Чунки бу усулда ишлар асосан механизмлар ёрдамида бажарилади, одамлар учун хавфсиз, таннарх арзон.

Бош муҳандиснинг бу қисқа ва лўнда изоҳида асл ислоҳотларимизнинг мазмун-моҳияти жо этилган десак хато бўлмас.

Бу гаплар коннинг ер остидаги ишларидан бир шингил, холос. Шу ўринда ер устидаги юмушлардан ҳам айримларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Масалан, кончилик саноати учун ёғоч материаллари ўта зарур ҳисобланади. Бинобарин, лаҳмларни, ерости йўлларини мустаҳкамлаш учун минглаб куб метр ёғоч керак. Одатда бу матоҳ Россиядан сотиб олинади. Нархи эса йил сайин осмонга чиқиб бораяпти. Зармитанлик кончилар бу соҳада ҳам топқирлик қилдилар: кон ҳудудида терак етиштиришни йўлга қўйдилар. Ахир ер бўлса, сув бўлса терак ўсаверади-да! Бу йил теракзордан дастлабки ёғочлар кесилиб, фойдаланилди. Баҳорда яна 5 минг туп терак кўчати экилди.

Бу тажрибани бошқа конларда ҳам жорий этиш, «Ўзолмосолтин» уюшмасида махсус дастур ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз. Зеро, ўзингда бўлганига нима етсин!

Зармитан олтин қазиб олиш конидаги иқтисодий юксалишда уюшма раҳбариятининг, шахсан уюшма раиси Шавкат Нажимовнинг кундалик эътибори ва мададини ҳам эътироф этиш жоиз. Кондан қазиб олинган маъдан 90 чақирим узоқликдаги Маржонбулоқ олтин бойитиш фабрикасига ташилади. Энг серхаражат жараён аслида шу. Айниқса, ёлланган автотранспорт воситаларининг қимматлиги, маъданни ташиш чоғидаги кўзбўямачилик, баъзан қўшиб ёзиш сингари иллатлар корхонанинг косасини оқартирмай келди. 2000 йилда уюшма Зармитанга 10 та янги «КамАЗ» ва 3 та «КрАЗ» автомашинаси сотиб олиб берди-ю, бу муаммо барҳам топди. Маҳсулот таннархи кескин пасайди, айни пайтда ҳар тонна маъдандан ажратиб олинаётган олтин ҳам икки ҳисса кўпайди! Бунда албатта олтин бойитиш фабрикасидаги технологик ўзгаришлар, раҳбарликка янги ҳалол кишилар келганлиги ҳам сабаб.

Мен Зармитанда бўлган кунларда кончилар шаҳарчаси Заркентни бир неча бор кезиб чиқдим. Барча шароитлар муҳайё этилган бу шаҳарча нимаси биландир кишида жуда ёқимли, илиқ таассурот қолдиради. Беихтиёр шу ерда қолиб яшагинг келади.

Сафарим сўнггида туман истиқболни белгилаш ва статистика бошқармасига бориб, бу ерда аҳоли жон бошига тўғри келаётган даромад миқдорини билмоқчи бўлдим. Тасодифан йўлда тиш дўхтири Пардабой Қаршиев билан танишдим. Йўл-йўлакай гаплашиб кетдик. Унинг ишлари билан қизиқдим.

— Ишимиз яхши, — деди у мамнунлигини яширмай. — Буюртмалар кўп, бўш вақтимиз деярли йўқ. Мижозларимиз баъзан навбат кутиб қолишади.

— Улар қанақа тишни кўпроқ қўйдиришяпти? — қизиқсиниб сўрайман.

— Фақат тилла тиш... — у шундай деди-ю негадир бирдан хушёр тортгандек бўлди. — Биласизми, 90-йилларнинг бошида ҳар йили 1-2 нафар кишигина тилла тиш қўйдирарди. Аксарияти оддий металлдан протез ясатарди. Энди эса... одамларимиз бойидими, ҳамма тилла тиш қўйдиришга ишқибоз.

— Ҳа, тўғри пайқабсиз, бу ҳам Мустақиллик шарофати, — дедим мен.

Шу суҳбат сабаб бўлдию статистика бошқармасига бориштан воз кечдим. Ахир нуқул тилладан тиш қўйдираётган кишиларнинг даромадини суриштириш ўринлимас-да!

■ **Норбобо ШАКАРОВ,**
Самарқанд вилояти

ХОРИ�JДА

ВАЗИЯТ МУРАККАБЛАШМОҚДА

Фаластин маъмурияти АҚШ, Россия, Хитой, Япония ва Европа давлатларига мурожаат қилиб, БМТ Хавфсизлик Кенгашида Яқин Шарқ муаммоси бўйича навбатдан ташқари мажлис ўтказишга чақирди. Минтақадаги вазият кун сайин мураккаблашмоқда, бўлажак мажлисда ушбу муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш ва Fазо секторига халқаро кузатувчилар киритиш масалалари муҳокама қилинмоғи лозим, деди маъмурият расмий вакили.

НИДЕРЛАНДИЯ...

ҲИБСГА ОЛИНДИ

Саудия Арабистонида ичкилик маҳсулотлар контрабандаси билан шуғулланганликда айбланиб тўрт киши ҳибсга олинди. Қўлга тушганларнинг икки нафари Буюк Британия, қолганлари эса АҚШ ва Греция фуқароларидир. Улар Жидда шаҳрига спиртли ичимлик олиб киришга уринган.

Саудия Арабистонида спиртли ичимлик сотиш ва истеъмол қилиш тақиқланган. Мамлакат хавфсизлик хизмати анчадан буён бундай жиноятчиликка қарши кенг кўламли кураш олиб боради.

ВЕРТОЛЁТЛАР ЗАРБА БЕРДИ

Исроил ҳарбий вертолётлари Фаластиннинг бевосита Ёсир Арафотга бўйсунувчи махсус бўлинмалари базаларига зарба берди. Хабарларга қараганда, ракета зарбалари оқибатида кўплаб зирҳли техника йўқотилган.

КИМЁВИЙ ҚУРОЛЛАРНИ ТАҚИҚЛАШ БЎЙИЧА

Нидерландияда кимёвий қуролларни тақиқлаш ташкилотининг навбатдаги сессияси бошланди. Унда кимёвий қуролларни ишлаб чиқариш, тўплаш ва ишлатишни тақиқлаш бўйича халқаро конвенцияга қўшилган давлатлар вакиллари иштирок этмоқда. Анжуманда ташкилот бюджетини белгилаш, бошқарув органини ислоҳ қилиш, шунингдек, кимё соҳасида ишлайдиган корхоналарни текшириш ва бундай қуроллардан тинчлик йўлида фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.

ТИЛСИМ

ДАРАДАГИ МЎЪЖИЗА

Нурота азиз-авлиёлар, сирли мўъжизалар, хазиналар юрти. Нурота шаҳрини сув билан таъминловчи Нур булоғи оқиб чиқувчи тоғни маҳаллий халқ Оқтов дейишади. Шу Оқтовнинг салобатли чўққиси бўлмиш Бахилтоғ этакларида Зангиота сойи ва Анбарона дараси бор. Ҳар иккисида ҳам қудуқ мавжуд бўлиб, уларнинг суви ҳеч қуримайди, суви ширин, шифобахшдир. Ривоятларга кўра, Зангибобо кампири Анбарона билан моллларини боқишга Нур водийсига келар эканлар ва қишда улар ўз қишлик жойларига қайтиб кетишаркан...

Зангиота қудуғи атрофида ҳозир ҳам чўпонлар қўй боқишади овчилар паррандаю даррандалар овлашади. Анбарона дарасидаги қудуқ ёнида тоғнинг тик қояси тагида яккамих ва от охури худди ҳозир ҳам от боғланадигандек туради. Олдида эса кичкинагина тандирча бўлиб, унинг ичига ёғоч ўтин ва қўй қийи ёқишга тайёрланиб тошга айланиб қолган. Бундай мўъжизалар, сирли мавзулар кўп бу юртда. Биз айтмоқчи бўлган мавзу ҳам Нуротанинг сирли бир жумбоғи, аммо ҳақиқатга айланиши мумкин бўлган «хазина» ҳақида...

1974 йил ноябрь ойи охири ва декабрь ойи бошларида қарийб бир ой нуроталиклар табиатнинг бир «сири»ни кўрдилар, яъни Бахилтоғнинг этагидаги Анбарона дарасидан то Нуротагача қарийб 20 км. тоғнинг этаги оппоқ булут остида турди. Айнан шу воқеаларни биринчилардан бўлиб кўрган инсон Хайробод қишлоғидан ўша йиллари чўпонлик қилувчи Ширинқул Соҳибов қўйларини Анбарона дараси яйловларида, Қуртқасойда боқиб юрганда бирдан қўйлар ҳуркиб бир гумбирлаш овозини эшитади-ю водийга юз тутган қияликдан паровоз тутунидай бурқсиган тутун чиқиб тоғ бағри бўйлаб ёйилиб, сойларни бир-икки соат ичида тўлдиради. Ҳайрон бўлиб бу воқеани кузатган Ширинқул ака эртасига райкомга хабар беради, улар қаерга хабар берган у кишига номаълум ва менинг укамни кўриб қолиб «Самарқандга, акангга хабар бер, геолог одам бир келиб кўрсин, вулқон чиқиб кетдими дейман» дейди. Укам Облақул дарров келиб менга айтди. Биз ака-ука Нуротага жўнадик ва эртаси куни Ширинқул акани топиб Қуртқасойга бордик.

Ҳақиқатан ҳам бутун тоғнинг этаги Анбарона дарасидан Нуротагача оппоқ булут билан қопланиб ётар эди. Воқеа содир бўлган қияликда тутун чиқиб турар, аммо шашти аввалгидек эмас, чунки 5-6 кун ўтган эди-да.

Қияликда бир чуқурча пайдо бўлган, унинг эни 70-80 см., узунлиги бир метр, чуқурлиги бир метру 20-30 см. эди. Чуқурчадан 4-5 см. пастроқда уч метр куб ҳажмдаги тош ағанаб ётар эди, унинг ҳолати , яъни бир қирраси буғда пишган, бир томони синган , хуллас ҳеч бир исботсиз шу чуқурча ўрнида турганлигидан далолат берарди, уни буғ улоқтирган эди. Чуқурча тепасида оҳактош қатлами горизонтал ҳолда ётган бўлиб, унинг таг томони тўнкарилган ўртача қозондек буғда ўйилган ва пишган эди, аммо ҳали қуримаган, нам эди.

Мен чуқурчага тушдим, тутун палағда тухум ҳидини эслатар эди. Кафтимни буғ чиқаётган тешик устига тутсам юқорига чиққанда уриб юборди, тўхтаганда худди шундай буғ тортар эди. Худди шундай буғ Нуротагача етти ердан чиққан экан уларнинг ҳаммаси ҳам бир чизиқ атрофида жойлашган эди, қолган олтитасида буғ оз ва илиқ, уларда ҳам карбонат ангидрид ҳиди сезилиб турар эди.

Ўз тахминларим, эшитган, ўқиганларим барчаси кўз ўнгимдан ўтиб қишлоққа қайтдим. Отам, раҳматлик, қабрларидан нур аримасин, мени қандайдир бир интиқлик билан кутиб турган эканлар, дастурхонга ўтириб фотиҳа қилгач: «Қани, қандай фикр билан қайтдинг, нима воқеа бўлган экан?» деб сўрадилар. Мен фикрларимни жамлаб турганимда ўзлари 1915-16 йилларда бўлса керак, мен ўн-ўн бир ёшларда эдим, баҳорда қишлоқ аҳли қўйларини Анбарона атрофига қўзилатишга олиб борганда Қуртқасойда ҳозир сен айтган ердан 1 км. пастда қудуқдан тутун чиқиб кетиб одамлар қўрқиб кўчиб келиб қўйган эдилар» дедилар.

Шундан кейин барча фикрларимни жамлаб ўзим шундай хулосага келдимки, Оқтов остонасидаги оҳактош қатламидами ёки унинг тагида ётган ғозғон мармари қатламидами катта карс ёриғи, яъни ғор бор бўлиб, бу ғорнинг ҳозирча бизга маълум бўлган бўлаги (бошқа томонларга ҳам бўлиниши мумкин. Биз фақат ўзимиз кўрган ва билганимиз тўғрисида гап юритаётирмиз, холос)нинг узунлиги 20 км. эни ҳам 500-600 метр атрофида бўлса керак. Лозим бўлса кейинчалик геофизиклар ўрганишиб айтиши мумкин. Бу сув иссиқ сув бўлиб ҳеч қаерга чиқиш имконига эга эмас, шунинг учун ҳам ҳар замон, ҳар замонда тектоник ҳолларда ўпирилиш бўлиб, сув буғни сиқишга мажбур этади ва қаттиқ босим яшин тезлигида ўзига йўл излаб қатлам дарзларидан чиқишга ҳаракат қилади, бошқа тинч пайтда эса ўзлари аввалдан очиб олган баъзи бир дарзлар, яъни йўллардан чиқиб туради.

Мен карс билан шуғулланувчи ўртоқлар билан маслаҳатлашдим, улар ҳам менга ўз фикрларини айтишди ва менинг фикрим ҳақиқатга яқинлигини, буни эса ўрганиш учун махсус шуғулланувчи мутахассисларни жалб қилиш лозимлигини айтишди. Мен ҳам шу фикрдаман. Ахир жаҳонда жуда кўп ғорлар борки баъзилари ер ости оҳактош қатламларида, баъзилари ер усти тоғларидаги мармар ёки оҳактош қатламларида бўлиб улар кўпинча шифобахшдир, ҳеч бўлмаганда иссиқ сув сифатида иситиш тизимида фойдаланилиб қанчадан-қанча иссиқхоналар қуришиб маҳсулот олишиб, иқтисодини тиклашади, сиҳатгоҳларни-ку қўя турайлик.

Мен мақоламнинг бошида бежиз Нуротани азиз авлиёлар, сирли мўъжизаю хазиналар жойи демадим. Сизга ҳикоя қилган воқеа ҳам худонинг юртимизга берган инъоми бўлиб «эй одамлар, кўринглар, буларнинг тилсимларини очинглар», деб ушбу буғларни чиқариб тургандир, ахир. Зангиота молларини бекорга Нур водийсига келтириб боқмаган. Анбарона тандирни ўт ёқишга ҳозирлаб кетганида бир сир бўлиб сиз уни ёқиб, иситиб тандир нонларини пиширишга бир ишора бўлса не ажаб?!

■ **Жўрақул ЙЎЛДОШЕВ,**
геолог, Навоий вилояти

...МАСС ДАРЁСИ

ХОРИМДА

ЁШЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДАМИ?

Хитойда ёшлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. БМТнинг Болалар жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур тадбирда ўттиздан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этмоқда. Анжуман иштирокчилари бир неча кун давомида Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги ютуқ ва камчиликларни муҳокама қилади, истиқболдаги режаларни белгилаб олади.

АООТ «АВТОКОМБИНАТ №2

РЕАЛИЗУЕТ

		Кол-во	Отпускн. цена
1	2-534 Стартер ст. 230 Г-2410	30 шт	21000 сум
2	1-2254 Рессора Г-24	30	12300
3	1-2257 ----- «РАФ»	11	13100
4	6-11010 Стекло лобовое «РАФ»	5	25000
5	5-11055 Стекло лобовое Г-24	30	14300
6	Вкладыши шатунные 1,25; 1,5	600	2700
7	Вкладыши коренные 0,05	550	2700
8	24-3401090 Сошка руля	40	1620
9	24-2906016 Штанга реактивная	70	1640
10	24-3501050 Главный торм. цилиндр	70	6000
11	24-10-2904125 Втулка пер.моста (резиновая)	15000	85
12	Подшипник руля 922205	110	690
13	Подшипник 50706	3800	1300
14	Кольца поршневые 53-92,0 ленточние чугунные	350 200	3300 3300
15	Крыло заднее Г-24-8402040 правое, левое	50	14800
16	Рем. комплект гл.торм.цилиндра 24-3500105	5000	85

Автозапчасти для а/м «ГАЗ-24-10» и «РАФ-2203»
А также реализуется а-м марки «Доган-L» и Доган-S
Форма оплаты любая
Телефоны: 72-68-47, 72-64-83.
АООТ «Автокомбинат №2»

ҮҚИНГ, ҚИЗИҚ

БОШҚАЧА ЙЎЛДАН БОРИБ...

Уоддийгина физик. Олимликка даъвогар эмас. Илмий тадқиқотлар олиб бормаган. Нияти ҳам йўқ.

Лирикани унчалик хушламайди. Аммо, унинг қирқ йиллик умрида ўқиган бадиий адабиётлари рўйхатига манаман деган адабиётшуносу энг ашаддий китоб шинавандаси ҳам қойил қолади.

Ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари физика ва математикадан собиқ иттифоқ олимпиадаларида — ҳатто Москвада бир неча марта юқори ўринларни олиб, ҳакамлар ҳайъатининг эътирофига сазовор бўлган. Унга ўқишни Москвада қолиб давом эттиришни таклиф этганлар. Қишлоқ боласи шаҳарни хушламаган, бунинг устига ўртаҳол оиладан бўлгани боис ҳамёни енгилроқ бўлган...

Лекин, орзусига бир қадар эришади — ўзи севган физика-математика бўйича олий ўқув юртини тугатиб, ёшларга сабоқ бера бошлайди.

...Тасодифан танишиб қолдик. Кутилмаганда видеомагнитафоним ишдан чиқди. Бир неча усталарга кўрсатдим — техниканинг «айби»ни топиша олмади. Марказга элтиб тузатарман, деб юрганимда тадбиркор бир дўстимиз маслаҳат берди: «Ҳазорасп шаҳарчасида бир йигит бор. Неки чет эл маҳсули бўлган электротехникага тушунади, бир зумда тузатади».

Излаб бордик. У магнитафоннинг «китобча»сини сўради. Қайдадир қолиб кетганини айтдим. «Майли, кўриб кўяман, уч-тўрт кундан кейин хабар олинг!»

Ўша куни мени бошқа нарса ҳайратга солди — унинг хонадонидаги саранжомсаришталик. Махсус бир хонага тахланган турли китоблар, турли асбоб-ускуналар. У сон-саноқсиз асбоб-ускуналар орасида сувдаги балиқдай эмин-эркин ҳаракат қиларди...

Айтилган куни бордик. Кайфияти алланечук эди, ҳаяжонини боса олмасди. «Хўш хизмат!» деб сўрамади, ташвишимиз хотиридан кўтарилгандай эди. Ёнидан қалин дафтар олиб, алламболаларни тушунтира бошлади. «Уч йил бўлди, бу масалани ечолмасдим. Турли теоремаларни қўллаб кўрдим. Кечалари ухламадим. Сиз буюк физик Альберт Эйнштейннинг нисбийлик назариясини биласизми?». Мактабда чала-чулпа ўргатишган. «Ўргатишган» эмас, айтиб ўтишган. Ахборот тарзида билишимни, мазмунини тўла англаб етишга ҳаракат қилмаганимни тан олишдан бошқа чора йўқ эди.

У сон-саноқсиз рақамлар, тушуниксиз белги-ҳарфлар билан тўлган дафтарини олдига қўйиб тушунтиришга ўтди: «Мана буни... бундай қилдим... Бунисини қўшсак... кўпайтирсак... бўлсак... қаранг ечими — масса, яъни оғирлик йўқ бўлади. Биласизми, оғирлик йўқолади. Оғирлик йўқолиши бу Эйнштейннинг нисбийлик назариясини тўла исботлайди. Буюк физик буни бошқача йўлдан исботлаган. Меники — бошқача. Лекин, якун бир — оғирлиқ йўқолади, биз бошқача оламга рўпара келамиз. Тамом! Эйнштейн мутлақ ҳақ бўлиб чиқади...»

Айтишича, қувонишига сабаб — бу теоремани бир ҳафта олдин ечган, аммо бунга ўзига ўхшаган бир неча ашаддий физик дўстлари ишонмаган эканлар. Эрталаб улар ҳузурига йўл олган, куни билан баҳслашиб ўтириб ниҳоят унинг топган йўли ҳақлигига тан беришибди. «Мен Эйнштейннинг назариясини бошқача йўлдан бориб, яна бир карра исбот қилдим!» деб қувонади у. Қувониши болалардек содда, самимий. Мен эса бу янги теоремани соҳанинг машҳур намояндаларига кўрсатишни маслаҳат бераман. У ажабланади: «Нега?» «Балки, бу кашфиётдир? Фан оламида янгилик бўлар!»

Унинг кайфияти ўзгаради, маслаҳатим ёқмаганини сезаман. «Магнитафонингизни тузатиб қўйдим. Ўзим ясаган мосламани ўрнатдим. Юз йил ишлашига кафолат бераман!»

Кейин магнитафон устида турган қалин китобни кўрсатади: «Бир одамнинг телевизорини тузатиб, уйига элтиб бердим. Қарасам мана шу китоб турибди. «Хирургия» китоби. Эллик йил олдин Москвада чиққан. Хизмат ҳақимга шу китобни сўрадим. Дарров берди. Зўр китоб!»

Таажжубга тушаман. Физика фанатигига жарроҳлик китобининг нима кераги бор? «Инсон организмининг ички тузилиши ва унда учрайдиган турли хасталикларни жарроҳсиз даволаш мумкинми-йўқми, деган савол кўпдан қизиқтираётганди. Шуни мукаммал ўрганмасам...» дейди ҳайратимни сезиб.

Бу — иқтидорли дўстимиз Шавкат Оллоберганов. Камсуқум, камтар йигит. Хизмат ҳақи узатсам олмади: «Биласизми, — дейди у, — пойтахтга тез-тез бориб турарканман, янги китоб чиқибди, деб эшитдим. Тополмаяпман, шундан бир дона келтириб беринг, орамиз очиқ!»

...XX асрнинг «энг буюк шахси» сифатида буюк физик Альберт Эйнштейн дунё бўйича расман тан олинди. Мен юртимизнинг чекка бир гўшасида яшаб буюк физикнинг ҳали миллион-миллионларга жумбоқ бўлган нисбийлик назариясини ўзича талқин қилиб, уни исботлашга ўринаётган, исботлашдан фақат ўзи баҳра оладиган бу йигитга қойил қолдим ва буюк алломаларнинг ҳақли равишда меросхўрлари бўлган ёшлар орасидан янги асрда чинакамига буюк Эйнштейнлар чиқишига ишонгим келди.

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

Тошкент банк коллежи маъмурияти коллеж директори Зайниддин Худойбердиевга падари бузруквори **Ёвқоч ХУДОЙБЕРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

«МЕНИ МЕҲНАТ УЛҒАЙТИРДИ»

Куюнчак, халқ ғами билан яшаётган кишиларимизнинг борлиги бизнинг бахтимиз. Юрт болаларининг билим олиши, яхши инсонлар бўлиб етишишида халқ таълими тизимида хизмат қилаётганларнинг ҳиссаси беқиёс.

Яхшидан боғ қолар, дейди

доно халқимиз, токи унинг мевасидан келажак татийди. Яхшидан қурилиш иншоотлари, иморат қолади, токи бу биноларда кишилар эҳтиёжини қондиради, кимга бошпана, кимга билим маскани, ўқув даргоҳи бўлади.

Муртазо Султоновнинг касби қурувчи-муҳандис. Дастлаб фаолиятини Хоразм вилоятида бошлаган.

— Қаерга ишга юборилмай, ҳамиша қурувчи касбини улуғлашга, ҳалол ва виждон билан меҳнат қилишга ҳаракат қилганман, — дейди Муртазо ака, — меҳнатим муносиб тақдирланиб, Қорақалпоғистон, кейинчалик «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсаттан қурувчи» унвонларига сазовор бўлдим.

У 1966-72 йиллар оралиғида қурилиш соҳасида масъул лавозимларда ишлаган.

1972 йилда Олий ва ўрта махсус таълими вазирининг қурилиш, молия ва иқтисод, моддий-техника таъминоти ишлари бўйича ўринбосари этиб тайинланади. 1990 йилдан эса халқ таълими вазирининг ўринбосари бўлиб ишлади.

Муртазо ака қаерда ишласалар ҳамиша ишни талаб эттанлар, шу билан бирга ходимларни қўллаб-қувватлаб турганлар. Шунинг учунми, улар ўзлари билан ҳамкор бўлганлар ҳақида илиқ сўзларни айтади.

— Шогирдларимдан кўнглим тўқ. Улар турли вилоятларда бор.

Республикамиздаги таълимга оид қурилиш иншоотларининг барчасида Муртазо аканинг қўллари бор. У киши доимо «марказ»дан пул ундириш пайида куйиб-пишиб юрганлар.

— Мустақилликни чексиз қувонч билан кутиб олдим, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Ахир, бошқа ерлардан пул олиб келиш ўз-ўзидан бўлмасди. Ниҳоят, энди ҳаммасига ўз юртимизда маблағ топиляпти, Президентимиз бошлаган улкан ишларни вилоят, туман ҳокимликлари давом эттиришяпти. Мебель, ўқув жиҳозлари ҳам ҳозир ўзимиздан чиқади. Мустақиллик, айниқса, бизнинг соҳамиздаги одамларга чексиз имкониятларни очиб берди.

Муртазо ака турли иншоотлар қурилишида бош-қош бўлди.

— Хизмат сафарим билан қайси вилоятга бормай, вазифамни бажариб бўлганимдан кейин албатта қурилишига меҳнатим сингган биноларни бир-бир бориб кўраман, уларнинг ҳар бир ғиштти менга қадрдон.

1991-1998 йиллар мобайнида икки мингта яқин янги, муҳташам, замонавий мактаб бинолари фойдаланишга топширилди. Инсон меҳнат қилади, ишининг ҳосиласи уни албатта янгиянги чўққиларни забт этишга ундайди.

Муртазо Султонов шунинг билан бирга олим ва журналист ҳам. Республика матбуотида кўплаб мақолалари чоп этилган.

Умри меҳнат билан ўтган одам ҳеч қачон бир ерда тинч ўтиролмайди. Муртазо ака мана икки йилдирки, «Р.Т.П.Ф Тижорат» очиқ акциядорлик жамиятида департамент бошлиғи вазифасида ишламоқда.

— Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Назарбек посёлкасида Марказий Осиёда ягона бўлган Ўзбекистонимизнинг ширидан-шакар меваларини чиройли идишларга жойлайдиган корхона қурилишини тугатаяпмиз. Корхонада йилига ўн минг тонна мева қайта ишланади. Тайёр маҳсулот халқимизга сотилиши баробарида Россия, Германия, Австрия каби давлатларга экспорт қилинади. Асбоб-ускуналар асосан Австрия ва Германиядан келтирилди. Ушбу корхона ишга тушса, юздан ошиқ йигит-қизлар иш билан таъминланади.

Ҳеч қачон меҳнатдан қочмаганман. Билмаганимни албатта сўраганман, мендан маслаҳат олганга ўргаттанман. Ҳаётда нимага эришган бўлсам, фақат меҳнатим, пешона терим орқасидандир. Шунинг учун ҳам бугун дўстларим, ҳамкасбларим, шогирдларим олдида юзим ёруғ, ҳурмат-эътибор топдим. Бекорга шу юрт тузини татиб юрмаётганимнинг ўзи менга олам-олам завқ бағишлайди. Шундай ажойиб юрт фарзанди эканлигимдан фахрланаман.

■ **ШАҲРИБОНУ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

САНЪАТ ОЛАМИДА

ҚЎШИҚ ДИЛ ҚАНОТИ

Турмуш ташвишлари билан елиб-югурасиз, толиқасиз. Шу фурсатларда жонга оро кирадиган бир нарса борки, бу — қўшиқ. Ёқтирган, дилингизга мос қўшиқ тингласангиз, ташвишлардан ҳоли сезасиз ўзингизни. Бу борада биз «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли хонандаси, Ўзбекистон халқ ҳофизи Махмуджон Тожибоев билан мулоқотда бўлдик.

— Асрлар давомида яшаб, мукаммаллашиб борган ўзбек қўшиқчилигининг бугунги аҳволи қандай?

— Мумтоз мусиқамиз илдизлари узоқ ўтмишларга тақалади. Ҳаттоки, исломдан аввалги даврларда ҳам оғзаки анъанадаги профессионал мумтоз мусиқа намуналари мавжуд бўлганлиги ашёвий далиллар билан исботланган. Ўнинчи асрлардан бошлаб эса 12 мақом мажмуаси ривожланишга ўтган. Унинг ҳаётий ўрни эса кишиларга хос садоқат, поклик, чин ишқ-муҳаббат ғояларини ўзида акс эттирган.

Беш ёшларда бўлсам керак, отамиз радио сотиб олган эдилар. Шу вақтларда Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Барно Исоқова, Фазлиддин Шахобовлар ижро этган ашулаларни берилиб тинглар эдим. Устоз санъаткорларнинг куйлашлари менинг қалбимга орзу уруғини сепиб, ниҳол ундирган бўлса ажаб эмас.

Шу билан бирга мурғаклигимда эшитган онам аллалари менга шубҳасиз санъатга ихлос уйғотган.

— Ўзбек миллий қўшиқчилигининг тақдири ҳақида кўплаб мунозаралар бўлмоқда. Енгил-елпи қўшиқлар ҳамда клиплар танқид қилинмоқда. Бу фикрларга сизнинг муносабатингиз.

— Замон тараққиёти ҳар бир соҳага ўз таъсирини кўрсатади. Тараққиётнинг ижобий таъсири ютуқ ҳисобланади. Санъаткор ўз маҳорати билан омманинг дидига мос бўлиши керак. Енгил-елпи қўшиқлар билан мухлислардан зўрма-зўраки олқиш олиш, ўзини шундай сохта муҳитда тарбиялаш санъаткор учун ёт ҳолдир. Ёшларимиз улуғ санъаткорларга муносиб бўлишсин. Ана шунда ўз йўлларини топадилар. Улар миллий мусиқачилигимизнинг пойдеворларини қунт билан ўрганишсин. Санъат шундай кошонаки, унинг ичига мавжуд сирлардан хабардор бўлиш билан бир вақтда, ўша кошонага янгилик олиб кириш учун ҳаракат қилинади.

— Саҳна маданияти ва санъаткорнинг мухлис олдидаги бурчи нима?

— Бугунги мумтоз мусиқа ижрочилиги, шарқона ижро маданияти билан замонавий эстрада ижро маданияти ўртасида катта тафовут бор. Мумтоз мусиқа намуналари ижро этилаётган вақтда ижрочи шарқона одоб қоидаларига амал қилиш билан бир вақтда ўз мухлисининг ҳолатларини ҳам ҳисобга олиши шарт. Четдан кириб келган ижрочилик услубларини, саҳна маданиятини кўр-кўрона миллий ижрочилигимизга татбиқ қилиш — бу халқимиз табиатига тўғри келмайдиган ҳолатдир.

Ҳар бир даврнинг ўз қўшиқчилари, юлдузлари бўлганидек, бизнинг даврда ҳам қатор эстрада юлдузлари ёшларимизнинг доимо эътиборида. Бу қувонарли. Аммо бу ҳолат мумтоз мусиқа намуналарига юзаки қарашга баҳона бўла олмайди. Эстрада йўналишида ижод қилаётган ёшларимизни ранжитмоқчи эмасман. Лекин замонавий техник воситаларсиз ижро этиладиган миллий ижрочилигимиз эстрада йўлига қараганда анчайин мураккаб ва оғир йўлдир.

Бизнинг санъатимиз қадимдан устозлар тилида «Санои нафиса», яъни нафис санъат, дея ардоқланган.

Манбаларга қараганда Бухоро шашмақом ҳофизлари танбурнинг овози қўпол чиқмасин деб созни темир нохун билан эмас, нохун ўрнига ўз тирноқларини мослаб чертган эканлар. Ёш санъаткорларимизнинг аксарияти замонавий кучайтиргич мосламаларга суяниб қолишмоқда.

— Кўрик-танловлар ёш истеъдодлар аниқланишида муҳим роль ўйнайди...

— Мустақилликка эришгунгача содир бўлган ҳар қандай салбий кўринишлар мусиқачиликка ҳам ўз соясини ташлаб ўтган. Натижада миллий мусиқамиз тарғиботи, унинг ривожи маълум маънода сохталикка юз тутгани сир эмас.

Қувонарлиси шуки, мустақиллигимиз берган неъматлардан яна бири

республика Маданият ишлари вазирлиги, жойлардаги бўлимлар томонидан Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Жўрахон Султонов каби устозларимиз хотирасига уюштирилган танловлар эзгу иш бўлиш билан бир вақтда истеъдодларни аниқлаб олиш имконини бермоқда.

— Чет эл гастролларидаги таассуротларингиз.

— Миллий санъатимизни намойиш этиш бахтига муяссар бўлиб, АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Жазоир, Малайзия каби бир қатор мамлакатларда сафарда бўлганман. Ер юзининг қайси бурчагига бормайлик ўзбек мусиқаси, хусусан, «Шашмақом» тингловчи томонидан олқишланишининг гувоҳи бўлдим. Бундан хулоса шуки, миллий соф ўзбек санъати ҳамма жойда қадрлидир ва бу ўзбек деган миллатнинг жаҳонда тан олинишининг исботидир. Шундай вақтларда ғурурланиб, кўзларимга севинч ёшлари келади.

Бир сўз билан айтганда, қўшиқ дил қаноти, қачонки, у инсон кўнглини ғуборлардан холи қилиш кучига эга бўлса.

■ **Сулаймон ҲАЙДАРОВ**
суҳбатлашди

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BÓLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.45
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

МУТОЛААА ЗАВҚИ

БАДИИЙЛИК ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон «Ардахива» номли янги драматик қиссасини ана шундай сўзлар билан якунлаган. Ҳақиқатан ҳам кураш бор жойда миллат ҳам, ватан ҳам ўлмайди.

Фикрларининг қуюқлиги, шеърда залворли гап айтиши билан халқимизга яхши танилган шоир Омон Матжоннинг XXI аср бошида Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Ардахива» номли китоби қўлимизда.

Мажмуада шоирнинг «Авесто» ёзила бошлаган давр, миллат ўзини янгилаши учун ўз феъл-табиатини турган давр учун ҳам хизмат қилиши керак», — деган гаплари ёдимизга тушади. Драматик қиссани ўқир эканмиз, миллий озодлик суратлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Яқиндагина кимларгадир қарам, қул бўлиб яшаганлигимиз асарда акс этган:

«ЎЛМАГАЙ МИЛЛАТ, ВАТАН»

ўткир танқидий назар билан қамраб олмоғи, «шу — кишан» нуқсларидан тез қутилмоқлиги каби масалалардан баҳс этади». Қиссани ўқиб, машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг: «Ҳар бир тарихий асар шу яшаб

Олоннинг овози:
Аҳвол қалай, болалар,
Ҳамон қулмисиз бадар?!
Болалар:
Йўқ! Занжир минг порадир,
Ўрни оғриқ ярадир!
Олон:
Оҳ қуллик заҳми ҳамон
Қонда қолгани ёмон!
(Ардахива овози бу байтни такрорлайди)
Овоз:
Қай ҳолда илму зиё
Сўзларми ҳар бир гиёҳ?!
Болалар:
Азиз сўз бағримизда
Эл дарди қалбимизда.
Овоз:
Тарқалмаса маърифат—
Бағри қон қолур абад.

Шоир ҳамиша изланишлар билан яшайди. Зотан, изланиш бўлмаса унинг ижоди кўлмакка айланади. Буни яхши билган Омон Матжон бу китобида ҳам янги-янги изланишлар қилган. Китобни «Анъана» ва «Ноанъана» бўлимларига бўлган. «Анъана»да шоир ўз йўли — ўз рамзларига, рангларига содиқ қолган бўлса, ноанъанада замон фожиаларини бир ишора билан, бир ҳолат билан очиб беради. Буни зукко ўқувчи ўзи тушуниб олади, албатта.

Омон Матжон оддий гапдан ўзига хос фалсафий фикр чиқара оладиган шоир.

Бу йил халқимизнинг маданий ёдгорликларидан бири «Авесто»нинг 2700 йиллиги нишонланади. Омон Матжоннинг янги китоби мана шу санага муносиб тўёна.

ИЕ, ЙЎҒ-Е, НАҲОТКИ?!

АЖАЛ УЛАРДАН ҲАЙИКДИ

Аслида сарлавҳадаги бундай сўз энг ёмон одамларга нисбатан ишлатилади. Бироқ биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонлар ёмон эмас, аксинча ҳақиқий омадлилардан. Гап шундаки, колумбиялик икки учувчи бир моторли самолётда учиб кетишаётиб қулаб тушишди ва омон қолишди.

АҚШдаги «Женерал электрик» компаниясининг Колумбия бўлимида ишлайдиган икки техник ходим «Сессна» енгил самолётида Колумбия шимолидаги Караколи шаҳрига йўл олишганди. Манзилга оз қолганда, негадир самолёт мотори ўчиб қолди ва қайта ўт олмади. Ноилож самолётни қўндиришга қарор қилди ва қулай жой танлашга фурсат йўқлиги учун қўлга қўнишга мажбур бўлишди.

Аммо шу билан уларни омон қолди деб бўлмасди. Негаки, кўл тимсоҳчилик билан шуғулланарди. Тимсоҳлар уларни ғажиб ташлашга тайёр турарди. Яхшиям ишчилар тезда ёрдамга етиб келишди.

ҒАРОЙИБ ЖАЗО

Испаниялик судья Эмилио Калаталюд 15 ёшли ўғрига нисбатан ғаройиб ҳукм чиқарди. Суд жараёнида ўсмирнинг ғирт саводсизлиги маълум бўлди. Судья уни мажбуран ўқиш ва ёзишни ўрганишга ҳукм қилди.

БОЛАЛИГИМ...

«КАПАЛАКДЕК УЧАР РАНГИН ХАЁЛЛАР...»

«Иқбол... «Ватан» сўзини ишлатмай, бу мўътабар макон ҳақида ёзиши, «Худо» калимасини тилга олмай, иймондан сўзлаши, «Озодлик» дея ҳайқирмай, унинг нақадар лазиз неъмат эканини мухлисга англатиши мумкин», — деб ёзади истеъдодли адабиётшунос, филология фанлари номзоди Раҳмон Қўчқор.

Истеъдодли шоир Иқбол Мирзонинг Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Мени эслайсанми?» номли шеърлар тўплами оҳанг, фикр, туйғу бирлиги билан яралгани боис мухлисни ўзига жалб этади. Ҳа, шеърда туйғу бўлмаса, у қуруқ фикр айтишдан нари ўтмайди. Фикр бўлса-ю, оҳанг бўлмаса, у ҳам шеър бўлолмайди. Фикрни наср — мақола қилган афзал. Оҳанг, туйғу бўлса-ю, бироқ ярқ этган фикр бўлмаса, у ҳам шеърхонни ўйчанликка, теранликка чақирмайди. Қачонки, шеър оҳанг, фикр, туйғуларга йўғрилиб, қоришиб кетгандагина жозибали, ўқувчини сеҳрлай оладиган шеър бўлади.

Иқбол Мирзонинг китобини ўқир эканмиз, китобнинг дастлабки «Мовий қуш» шеъриёқ бизни сеҳр дунёсига етаклайди. Масалан, нега қуш мовий? Қуш ҳам мовий бўладими, деган ўйлар бизни шеърият қаърига бошлайди.

Гоҳида кўмилиб бедапояда
Мангулик ҳақида сурарканман ўй,
У сайраб қолади, шу сонияда
Қўшиғи беданинг гулидай хушбўй.

Бу «мовий қуш» кўриниб турибдики образ. У қуш, балки шеъриятдир, балки илҳомдир, балки севгидир, балки севинчдир... Нима бўлса ҳам юракка айлана олган у. Шеърият дегани мана шу. Ўқувчи ўзига, кайфиятига нима керак бўлса, булоқ сувидай симириб олади ундан.

Китобни ўқир эканмиз, қишлоқ кўринишлари, табиат манзаралари кўз ўнгимиздан ўтиб, руҳиятимизга муҳрланади.

Теракнинг шохида олмадайин ой
Мени тош отар деб турибди қақшаб.
ёки:
Шабада силкади этакларимни —
Райҳонлар бўйини хўплайман ташна.
Яна:
Кўйлакларин йиртиб ташлар атиргул
Дунё сузиб борар оҳиста, дунё...

сингари шоирона манзара чизишни, шоирона фикр айтишни китобдаги жуда кўп шеърларда кўрамиз.

Истеъдодли шоирлар кўп гапни табиат манзаралари ёхуд ҳайвон, ҳашаротлар орқали айта олган. Буюк Навоий бобомиздан тортиб Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон, Азим Суюн, Усмон Азим, Баҳром Рўзимуҳаммад, Гўзал Бегимгача (яна бу номларни жуда кўплаб санашимиз мумкин). Ахир адабиёт образлилик туйғулари билан, «теша тегмаган» фикрлари билан гўзал. «Мени эслайсанми?» тўпламида «Мажнун», «Видолашув», «Ўғлимга», «Куз», «Оқшом» сингари теран фикрли, туйғуларга бой, оҳангдор шеърларга кўплаб дуч келдик. Хуллас, китобни ўқиб, шеъриятимиз оламида ўзига хос овоз жаранглаб турганлигидан кўнглимиз осмони оппоқ нурларга тўлди.

■ **Турсун АЛИ**

...ПОШШОЛИГИМ

ИЕ, ЙЎҒ-Е, НАҲОТКИ?!

ЭГИЗАКЛАР ЮРТИ

Ҳар қайси шаҳар ўзига хос жиҳатлари билан дунёда ном қозонади. Нигериянинг Игбо-Оро шаҳарчаси эса эгизаклари билан машҳурдир. Аслида бу мамлакат мустақиллиққа эришганига 40 йил тўлгани билан ҳали унчалик ривожланмаган. Айниқса, Игбо-Оро шаҳарчасининг 60 минглик аҳолиси турмуш даражаси деярли ўзгармаган. Яъни, электр ярим-ёрти етиб борган, шифокорлик ҳам унча ривож топмаган. Бироқ у ерда туғилиш ҳайратланарли даражада — шаҳардаги оилаларнинг ҳар бирида икки ё учтадан эгиз фарзанд дунёга келган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли ёшлигидан эгизаклар акс эттирилган ҳайкалчалар ясаб, уларга сиғинади. Бундан ташқари шаҳарга кираверишда «Эгизаклар ўлкасига хуш келибсиз» деган ёзув осиб қўйишган.

Лекин Игбо-Оро эгизаклари билан ном қозонса-да, уларнинг қанчалиги ҳақида ҳалиям аниқ ҳисоб-китоб йўқ. Сабаб: мамлакат аҳолиси 10 йилдан буён рўйхатдан ўтказилмас экан. Шунга қарамай, мутахассислар Нигерия дунёдаги эгизак энг кўп туғилувчи давлатлар сирасига киришини таъкидламоқда. 1972-1982 йиллардаги маълумотларга кўра, мамлакатда ҳар 1000 нафар янги туғилган чақалоқнинг 40-50 жуфти эгиздир. Бу эса бошқа минтақалардаги кўрсаткичдан анча юқори.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 2001 ЙИЛ 15 ВА 29 ИЮНЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога «ВАЗ-2163» русумли, бошланғич нархи 75000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилади.

Савдолар 10.00 да бошланади.
Биржа манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй, метронинг «Навоий» бекати.
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали 2001 йил январь — апрель ойларида 7 та кимошди ва 43 та биржа савдоларини ўтказди. Уларда 105 та автотранспорт воситаси, 13 та ер майдони, 30 та кўчмас мулк иншооти, жами 292709000 сўмлик мол-мулк сотилди.

Утерянный госордер №10-01/4312 от 2.02.1993г. право собственности Дулунбаева Д. на квартиру считать недействительным.